## 2020 йилнинг январь сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 6209,7 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 101,7 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 5817,1 млрд. сўмни (101,5%), ўрмон хўжалиги 289,9 млрд. сўмни (101,5 %), балиқ хўжалиги 102,7 млрд. сўмни (114,0 %) ташкил қилди. Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг улуши 3,4 % ни ташкил етди.




**6209,7**

01 **5817,1** — **Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар**

02 **289,9** — **Ўрмон хўжалиги**

03 **102,7** — **Балиқ хўжалиги**

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ҳажмининг ўсиш суръати




## Шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми, *млрд. сўм*




2020 йилнинг январь - сентябрь ойларида, шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Амударё (1 080,1 млрд. сўм) ва Беруний (746,6 млрд. сўм) туманларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Мўйноқ (97,8 млрд. сўм) тумани ва Нукус шаҳар (32,3 млрд. сўм)ларни келтириб ўтиш мумкин.

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши
*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*

**Ҳосил йиғими**. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 187,2 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 52,5 минг тонна картошка, (2019 йилга нисбатан 5,6 фоизга кўп), 193,8 минг тонна сабзавот (4,6 фоизга кўп) йиғиб олинди, 119,0 минг тонна полиз экинлари (5,2 фоизга кўп), 36,3 минг тонна мева ва резаворлар (0,1 фоизга кўп) ва 5,3 минг тонна узум (2,6 фоизга кўп) етиштирилди.

### 2020 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

| | Фермер хўжаликлари | | Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | | Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Жами дон | 144 759 | 101,7 | 36 376 | 97,2 | 6 051 | 212,1 |
| Картошка | 12 313 | 118,1 | 39 975 | 102,2 | 213 | 103,9 |
| Сабзавотлар | 51 908 | 100,6 | 137 730 | 105,1 | 4 131 | 159,2 |
| Полиз | 57 245 | 107,0 | 60 873 | 103,4 | 928 | 123,2 |
| Мевалар ва резаворлар | 9 828 | 104,8 | 23 537 | 100,8 | 2 966 | 83,1 |
| Узум | 601 | 115,1 | 4 321 | 100,7 | 330 | 107,8 |
| Пахта | 91 716 | 82,7 | 0 | 0,0 | 2 971 | 5,8 м. |



## Деҳқончилик

2020 йилнинг январь–сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 2 456,0 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 98,1 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 42,5 % ни ташкил қилди.

### Донли экинлар

**Ҳажми,** *минг т*




**Ўсиш суръати,***% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши,*** *% да*




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**





**Қорақалпоғистон Республикаси бўйича донли экинлар етиштириш ҳажми,** *тонна.*



## Сабзавотлар

**Ҳажми,** *тонна*




**Ўсиш суръати,***% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да***






2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 193 769 тонна сабзавотлар (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,6 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 71,1 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича сабзавотлар етиштириш ҳажми, *тонна*



## Картошка

**Ҳажми,** *минг т.*




**Ўсиш суръати,***% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши,****% да*




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 52,5 минг тонна картошка (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 5,6 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Картошка маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, картошка маҳсулоти умумий ҳажмидан 76,1 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича картошка етиштириш ҳажми,

*тонна*



## Полиз

**Ҳажми,** *минг тонна*




**Ўсиш суръати,** *% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши,*** *% да*






2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 119,0 минг тонна полиз (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 105,2 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Полиз маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, полиз маҳсулоти умумий ҳажмидан 51,1 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



**Қорақалпоғистон Республикаси бўйича полиз етиштириш ҳажми,**
*тонна*



## Мевалар ва резаворлар

**Ҳажми,** *тонна*




**Ўсиш суръати,** *% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да***






2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 36,3 минг тонна мевалар ва резаворлар (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,1 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Мевалар ва резаворлар маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, мевалар ва резаворлар маҳсулоти умумий ҳажмидан 64,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мева ва резаворлар етиштириш ҳажми, *тонна*



**<u>Узум</u>**

**Ҳажми,** *тонна*




**Ўсиш суръати,** *% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да***




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5252,0 тонна узум (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 2,6 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Узум маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, узум маҳсулоти умумий ҳажмидан 82,3 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



**Қорақалпоғистон Республикаси бўйича узум етиштириш ҳажми,**
*тонна*



## Чорвачилик



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3 327,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 104,4 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 57,5 % ни ташкил этди.

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 75,6 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,5 % га кўп), 232,2 минг тонна сут (5,0 % га кўп), 237,5 млн.дона тухум (5,0 % га кўп) ва 7 234,6 тонна балиқ (11,5 % га кўп) овланди.



## Гўшт (тирик вазнда)

**Ҳажми,** *тонна*




**Ўсиш суръати,** *% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да***




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 75,6 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,5 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил этилганда, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 95,4 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш зарур.



**Қорақалпоғистон Республикаси бўйича гўшт (тирик вазнда) етиштириш ҳажми,**
*тонна*



## <u>Сут</u>

**Ҳажми,** *минг т.*




**Ўсиш суръати,** *% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши,*** *% да*




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 232,2 минг тонна сут (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 5,0 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сут ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 91,5 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ишлаб чиқарилган сут етиштириш ҳажми,

*тонна*



## Тухум

**Ҳажми,** *млн.дона*




**Ўсиш суръати,** *% да*




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да***




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 237,5 млн.дона тухум (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 5,0 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 84,7 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.



## ҚорақалпоғистонРеспубликаси бўйича олинган тухум етиштириш ҳажми,

*минг дона*



## Балиқ

**Ҳажми,** *тонна*




**Ўсиш суръати**




***Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши***




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 234,6 тонна (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 11,5 % га кўп) балиқ овланди. Овланган балиқлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, овланган балиқ умумий ҳажмидан 58,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганини таъкидлаш лозим.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича овланган балиқ ҳажми, *тонна*



## Чорва моллари ва паррандалар бош сони




2020 йининг 1 октябрь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 4,9 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 94,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиш лозим, шунга мос равишда қўй ва ечкиларнинг умумий сонидан 11,1 % и фермер хўжаликларига, 87,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, отлар умумий сонидан 23,3 % и фермер хўжаликларига, 74,9 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади шунингдек, паррандалар умумий сонидан 6,8 % и фермер хўжаликларига, 86,6 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

## Йирик шохли қорамоллар

**Сони,** ***минг бош***




**Ўсиш суръати**




***Бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши***




2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- йирик шохли қорамолларнинг умумий сони 1117,0 минг бошга етди.
- йирик шохли қорамоллар бош сони 2019 йилга нисбатан 28,1 минг бошга (2,6 %) кўпайди.
- йирик шохли қорамоллар бош сонининг 94,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича йирик шохли қорамолларнинг бош сони,

*бош*



## Сигирлар

**Сони,** ***минг бош***




**Ўсиш суръати**




***Бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши***




2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- сигирларнинг умумий бош сони 327,9 минг бошга етди.
- сигирларнинг бош сони 2019 йилга нисбатан 9,3 минг бошга (2,9 %) кўпайди.
- сигирлар бош сонининг 93,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича сигирларнинг бош сони,
*бош*



## Қўй ва эшкилар

**Сони,** ***минг бош***




**Ўсиш суръати**




***Бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши***




2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- қўй ва эшкиларнинг умумий бош сони 1136,3 минг бошга етди.
- қўй ва эшкиларнинг бош сони 2019 йилга нисбатан 23,5 минг бошга (2,1 %) кўпайди.
- қўй ва эшкилар бош сонининг 87,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қўй ва эшкиларнинг бош сони,

*бош*



## Отлар

**Сони,** ***бош***




**Ўсиш суръати**




***Бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши***




2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- отларнинг умумий сони 25 763 бошга етди.
- отлар бош сони 2019 йилга нисбатан 1 627 бошга (6,7 %) кўпайди.
- отлар бош сонининг 74,9 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича отларнинг бош сони,
*бош*



## Паррандалар










2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- паррандаларнинг умумий сони 4 598,9 минг бошга етди.
- паррандалар бош сони 2019 йилга нисбатан 281,1 минг бошга (6,5 %) кўпайди.
- паррандалар бош сонининг 86,6 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича паррандаларнинг бош сони,

*бош*

